O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 23 феврал жума

Сотувда эркин нархда
№ 41 (2603)

Олий Мажлисда

## Ислоҳотлар ва суд-ҳуқуқ органлари

Олий Мажлисда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан "Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва прокуратура органлари" мавзуига бағишланган семинар бўлди.

Унда Олий Мажлис депутатлари, прокуратура, суд, Адлия, Ички ишлар вазирликлари вакиллари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман), Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Тошкент давлат юридик институти вакиллари ҳамда ҳуқуқшунос олимлар иштирок этдилар.

Анжуманда "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида прокуратура органларининг роли ва ўрни, прокуратура органларининг жамоатчилик билан алоқалари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда уларнинг вазифаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Хорижий сармоялар — ишлаб чиқаришга

## «КИЧКИНТОЙ»НИНГ САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАРИ

***Янгийўл шаҳридаги болалар пойафзали ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Кичкинтой" акциядорлик жамиятида Наврўз байрами арафасида бир йўла иккита — "Таррум экспорт-импорт" ҳамда "Олтиндон" қўшма корхоналари ишга туширилади. Хитойлик ҳамкорлар билан бунёд этилган мазкур корхоналарнинг бири полиэтилен буюмлари етказиб берса, иккинчисида бир зумда пишадиган лағмон ишлаб чиқарилади.***

Азалдан болалар пойафзали тикиб келаётган «мўйсафид» корхона — "Кичкинтой"нинг касбини ўзгартираётгани ғалати туюлиши табиий. Бироқ бугунги шароит ишлаб чиқарувчилардан янги маҳсулот турларини ўзлаштиришни, ҳатто етти ухлаб тушига кирмаган ишларни бажаришни тақозо этмоқда. Зеро, заҳматли меҳнат билан бунёд этилган йирик ишлаб чиқариш бинолари бугун касодга учраб, бекор туришига, жамоа аъзоларининг ишсиз қолишига йўл қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

"Кичкинтой" корхонаси бундан эллик йил илгари ишга туширилган эди. Бир вақтлар бу ерда ўнлаб турдаги, хилма-хил бичимдаги бежирим пойафзаллардан йилига икки ярим миллион жуфтгача ишлаб чиқарилган. Бироқ у пайтларда хомашё муаммоси деярли йўқ эди. Маҳсулотни кимга сотиш, қанчадан сотиш, борди-ю зарар кўрилса, қай йўл билан қоплаш ҳақида ҳам гап-сўз бўлмасди. Ҳаммаси "юқори"дан белгиланар, бинобарин, корхонанинг жилови бошқаларнинг қўлида эди. Бугун корхона хусусийлашган. Унинг эгалари том маънода мустақил. Бироқ, тан олиш керак, "Кичкинтой" бундай эркин бозор шароитига мослашишда, ўз йўлини топишда анча қийналди.

Бу ерда, гарчи, эски ускуналар билан бўлса-да, мавжуд имкониятларни ишга солиб, болалар пойафзали ишлаб чиқариш давом эттириляпти. Кичкинтойлар учун бошқа маҳсулотлар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилмоқда. Хусусан, ўтган йили ўн мингта мактаб папкаси тикиб берилди. Корхона бу йил ҳам папкалар тикиш бўйича ўтказилган тендерда фаол қатнашди. Мактаб папкасининг саккиз хилини таклиф этди. Уларнинг иккитаси тендерда ютиб чиқди. Айни пайтда ана ўша папкадан 27 минг донасини буюртма асосида тикмоқда.

Лекин асосий вазифа барибир болаларбоп пойафзал тикишни кўпайтиришдан иборат. Бу ердаги асосий шарт эса болаларни ҳеч қачон алдамаслик керак, деган қоида билан белгиланади. Уларга аталган пойафзал табиий чармдан тикилиши лозим. Бироқ маҳаллий таъминотчилар таклиф этаётган нарх корхонага тўғри келмаяпти. Чармни четдан олиб келишга эса "Кичкинтой"нинг ўз валютаси йўқ. Жамият бошқаруви раиси Тўхта Норов бу ҳол ташвишлантираётганини яширмади.

— Ички бозорни кучлироқ ҳимоя қилиш керак, — дейди у куюниб. — Чунки четдан келаётган маҳсулотлар, болалалар кийим-бошлари бизникидан арзон бўлишига ишонмайман. Аксарият тадбиркорлар уларни қинғир йўллар билан келтиряпти. Буни кўпчилик билади. Шу боисдан ҳам уларники кўп жиҳатдан арзон. Аҳвол шундай бўлгач, "Кичкинтой"нинг маҳсулоти ўтмай қолиб кетаверади-да. Корхонани қайта оёққа турғазишнинг битта оқилона йўли бор, у ҳам бўлса, хорижий сармояни кенг жалб этиб, технологияни янгилаш, четникидан сифатлироқ, лекин арзон маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш.

Бу ерда маҳсулот сифатини яхшилаш учун хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Бундан икки йилча илгари "Кичкинтой" дастлабки инвестицияни олиб келишга муваффақ бўлди. Ҳозирда бу ерда "Янги Вега" Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонаси ишлаб турибди. Аввалбошда йилига тўрт юз минг жуфт болалар пойафзали ишлаб чиқариш мақсадида қурилган мазкур цехда тайёрланаётган маҳсулотлар сифат жиҳатидан харидорни бефарқ қолдирмайди. Шу боис ишлаб чиқариш қувватлари кескин оширилди. Жорий йилнинг ўтган бир ярим ойи мобайнида қарийб юз минг жуфт болалар оёқ кийими тикилгани унинг юқори суръат билан ишлай бошлаганидан далолат беради. Бироқ маҳсулот харидорга бироз қимматлик қилаётганини ҳам айтиб ўтиш зарур. Шу боис энди таннархни арзонлаштириш йўллари изланмоқда.

Корхона негизида навбатдаги қўшма корхоналарнинг очилиши ана шундай режали фаолиятнинг самараси бўлди. "Таррум экспорт-импорт" қўшма корхонасига "Кичкинтой", Хитойнинг "Шенли" компанияси ҳамда "Ўзхитойсавдотранс" қўшма корхонаси таъсисчи бўлди. Умумий қиймати 4 миллион 600 минг АҚШ долларига тенг бўлган мазкур қўшма корхона учун хитойликлар барча зарур линияларни етказиб берди. Улар қисқа муддат мобайнида монтаж қилинди. Унда йилига минг тонна полипропилен гранулаcи (доначалари)дан турли буюмлар, жумладан, 350 тонна полиэтилен плёнкаси ишлаб чиқарилади. Бу ерда сунъий тола йигириш ва ундан йилига 15-20 миллион дона полипропилен қоп ишлаб чиқариш линияси ҳам ўрнатилмоқда.

"Олтиндон" деб номланган яна бир қўшма корхонага ҳам "Ўзхитойсавдотранс" қўшма корхонаси ҳаммуассис. Яна бир шерик — Хитойнинг "Тангу Хитой" компанияси технологик линияни етказиб берди. Улар хорижий мутахассислар томонидан ўрнатилди. Маҳсулотнинг синов намуналари ҳам олинди. Лаборатория таҳлиллари таъсисчиларни қониқтирмоқда.

Эътиборли томони шундаки, "Олтиндон" юртимизда етиштирилган буғдойни энг замонавий технология асосида тегирмонга тортади ва ундан лағмон чўзади. Лағмоннинг қайласи ҳам шу ерда тайёрланади. Қайноқ сувга солса, икки дақиқада пишадиган бундай лаззатли таом талабга қараб 200-400 граммлик идишларга қадоқланади. Қадоқлаш учун чиройли полиэтилен плёнка эса ёнма-ён жойлашган "Таррум экспорт-импорт" қўшма корхонасидан олинади. Ҳозирда бу маҳсулотни экспорт қилиш имкониятлари ҳам борлиги ўрганиб чиқилди.

— Янги қўшма корхоналардаги улушимиз чакана эмас, — дейди Т.Норов. — Биз фақат бўш турган ишлаб чиқариш майдонларимизни ажратиб бердик. Бунда ҳар бир квадрат-метр жой 200 сўмга чақилди. Шу тариқа фойданинг ўттиз фоизига эгалик қиламиз. Энг муҳими, ҳар бир қўшма корхонада 150 тадан янги иш ўрни очиляпти.

Айни кунларда "Кичкинтой"даги ҳар икки янги қўшма корхонада ўрнатилган замонавий ускуналарнинг мурватлари яна бир бор синчиклаб кўздан кечирилмоқда. "Таррум экспорт-импорт" хомашё келтиришга тайёрланмоқда, "Олтиндон" эса омбор қурилишининг битишига қараб турибди, холос.

**Л.СУВОНОВ,**
**Н.ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

## БИЗНИ ЧОРЛАР НУРЛИ ЧЎҚҚИЛАР



**«ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР»** танловига

## Жалолиддин туғи кимлар қўлида?

Бир фильмдаги қуйидаги манзара ёдимда қолган: қишлоқ одамлари қизиллар бостириб келганда томлари устига қизил байроқ, оқлар бостириб келганда эса оқ байроқ осиб қўйишади. Ва шу тариқа жон сақлашади. Тўғри, фильм муаллифлари буни маълум бир мутоиба руҳида тасвирлашга ҳаракат қилишган. Бироқ, назаримда, улар томошабинни андак унутиб қўйишган кўринишади. Негаки, кино бўладими, бадиий адабиёт бўладими, ҳар бир манзара, ҳар бир гап ва ҳар бир сўз ўз зиммасига маълум бир маънони юклаган бўлади. Кўзга кўринмас, қўл билан тутиб бўлмас оқибат шу бўладики, юракда, демак, яшаш учун турланиш керак экан-да, деган тушунча пайдо бўлади. Энг хавфли нуқта мана шудир.

Ўта нуфузли олий ўқув юртининг талабаси кўнглини ёрди: «Худо хоҳлаб ўқишни туғаллаб олсам, яхши бир ишга кираман. Зўр уйим, сотовой телефоним ва битта машинам бўлса бас. Менга бошқа ҳеч нарса керак эмас...»

Яна бир ҳолат. Мактабни аъло баҳоларга тугаллаган ўспирин барча синфдошлари турли шаҳарларга ўқишга жўнаб кетгач, қишлоқда қолди ва далага чиқиб сувчилик қила бошлади. Тенгдошларининг таъкидлашича, бу йигитча уч-тўрт йил сувчи, кейин бригадир, сўнгра эса хўжаликка раис бўлмоқчи эмиш. Орзуси ушалгач эса кўпдан-кўп болалар боғчалари, мактаблар ва қишлоқни шаҳар билан боғлайдиган трамвай йўли қурмоқчи экан. Аксарият ўртоқлари уни тушунишди. Айримлари эса шаҳарга бориб имтиҳон топширишга пул тополмаган бу ўртоғи қачон раис бўладию, қачон трамвай йўли қуришини айтиб, бироз кулгу қилиб ҳам олишди.

Мен бир одамни биламан. Ўғлини армия сафидан қолдириб, муқобил хизматга ўтказиш учун роса жонини жабборга берди. Ва охир-оқибат ниятига етди. Янгиерлик Алишер Салимов ўтган йили олис Сурхон тоғларида юртимизга бостириб кирган босқинчилар тўдаси билан бўлган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлигини барча яхши билади. Бир йиғинда мен таниган мана шу зиёли одам Алишернинг жасоратини, унинг душман билан шердек олишганини шундай таъсирчан қилиб таърифладики, даврадагиларнинг кўзлари ёшланди. Бу одам сўзга чечан эди. Бу одам нимани гапиришни, қандай гапиришни, қай жойда сўзамоллик қилишни жойига қўярди. Тоғни урса талқон қиладиган унинг ўғли эса ҳали-ҳамон музқаймоқ сотиб юрибди.

Абдураҳмон Ботировни Сирдарё вилоятида танимайдиган одам йўқ. Бу болалар шифокори чорак асрдан буён фан номзодлиги диссертациясини ёқлай олмайди. Сабаби, ёзда кичкинтойларнинг ошқозон-ичак касалликлари бошланади. Куз ва қишда эса шамоллаш кўпаяди. Кўкламда эса... Хуллас, чорак асрдан буён Абдураҳмон Ботиров олим бўлолмайди. Ховос туманининг Бобур номли ширкатлар уюшмасида яшовчи бу одамнинг уйига бемор боласини кўтариб келиб-кетувчиларнинг сон-саноғи йўқ. Ботиров кундузи ишхонада, ишдан кейин эса уйда бемор қарайди. «Оғайнилар, мен ҳам тирик жонман. Бир-икки соат дам олишим, китоб ўқишим, телевизор кўришим, жилла бўлмаганда диванда чўзилиб ётишим мумкинми ёки йўқми?..» дейишга унинг тўла ҳаққи бор. Бироқ, бундай демайди. У бундай дея олмайди. Ўрта бўйли, юз-кўзлари кулиб турадиган мўмин бу табибнинг қачон дам олишини, қачон ухлаб туришини бир ўзи билади, бир Яратган эгам. Агар оқ қоғозга Ботировнинг уйи ва шифохонасини шартли равишда бир нуқта сифатида белгиласак ҳамда мана шу нуқтага талпинувчи кишиларни тўғри чизиқ билан кўрсатиб чиқсак, қоғоз юзида умуман очиқ жой қолмайди. Ботировнинг назоратидан бугунгача минглаб, ўн минглаб бемор болалар ўтган. У ҳар бир кўрикни шу қадар диққат ва эътибор билан, шу қадар берилиб адоғига етказадики, четдан қараб турган киши беихтиёр табибнинг бутун ҳаёт-мамоти мана шу лаҳзаларга боғлиқ эмасмикин, деган ўйга бориши мумкин.

Иш бошлаганига тўрт-беш йил бўлмасдан данғиллама уйлар қураётган, хориж машиналарида ўзини кўз-кўз қиладиган шифокорларни бу ерда қоралаб ўтирмоқчи эмасмиз. Сабаби шуки, улар бундай

(Давоми 2-бетда)

## Ҳаётий масала муҳокамаси

Маълумки, хориж давлатлари билан иқтисодий алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. Шу туфайли ҳам мамлакатимизга кўплаб ўсимлик маҳсулотлари олиб келинаяпти ва транзит юкларининг ҳажми ҳам кўпаймоқда. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда ўсимликлар карантини давлат чегара постлари сони сўнгги беш йил мобайнида 32 тага кўпайган.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, юртимиз ўсимликлар карантини объектларидан деярли тоза ҳудуд ҳисобланади. Унда тегишли рўйхатга олинган 188 та хавфли карантин ҳашаротлари, касалликлари, бегона ва заҳарли ўтлардан ўн иккитаси, Қорақалпоғистонда эса фақат бештаси мавжуд.

Республика Ўсимликлар карантини бош давлат инспекциясининг лабораторияси фаолиятига эътибор берадиган бўлсак, 1999 йили чет давлатлардан келтирилган 33 минг, 2000 йилда эса 68 мингга яқин ўсимлик маҳсулотлари намуналари экспертизадан ўтказилган. Натижада 1999 йили 171, 2000 йилда эса 231 ҳолатда карантин манбаи борлиги аниқланиб, мавжуд уруғлар ва ўсимлик маҳсулотлари белгиланган тартибда йўқ қилинган.

Бу борада камчиликлар ҳам учраб турибди. Хусусан, «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига амал қилинмаганлиги сабабли Сурхондарё, Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида кенг тарқалиб, республика ипакчилиги келажагига хавф солаётган тут парвонаси зараркунандасини ундан холи бўлган вилоятларга тарқалишининг олди олинмаган. Ва у тегишлича ички карантин манбаи рўйхатига киритилмаганлиги маълум бўлди.

Айрим шахслар ҳар хил йўллар билан чет давлатлардан қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини республика ҳудудига олиб келиб бозорларда сотиши карантин хизмати назоратига олинмаган.

Айниқса, Тошкент шимолий темир йўл вокзали раҳбарияти томонидан вокзалда ўсимликлар карантини пости ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар кўрилмаганлиги ачинарли ҳолдир.

Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг раиси Искандар Қаландаров бошқарган йиғилишда «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонуннинг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридаги ижросини ўрганиш якунлари ҳақида гап борди. Йиғилишда, шунингдек, қўмитанинг ўтган йилги фаолияти якунлари ҳамда 2001 йилга мўлжалланган иш режаси кўриб чиқилди. Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

**Эркин МАВЛОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Боғи борнинг кўкси тоғ

## САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА БИЗДАДИР!



**Иттифоқо, бир шаҳри азимда дунёга донғи кетган ҳакимларнинг анжумани бўлибди. Таомилга кўра, маслаҳат-кенгашдан сўнг мезбон уларни бир пиёла чойга таклиф этибди. Дастурхонда бедана гўштидан тортиб, қизил увилдириққача — жамики тансиқ неъматлар бор экан-у, аммо бир ликопчадаги қирмизи нарса меҳмонларнинг димоғини қитиқлабди. У дум-думалоқ ва хушбўй, шаффофлигидан ҳатто одамнинг юзи кўринар эмиш. Ажабо, бу қанақа насиба бўлдийкин?..**

Мезбон қарасаки, ҳамма лол, жавобга маҳтал турибди. У индамасдан қўшни хонага кириб кетибди-да, ҳаял ўтмасдан яна бир тақсимчада бошқа мева олиб чиқибди. Буниси, ёпирай, боягидан ҳам ғаройиб табиат эҳсони бўлиб, гўё инжудек товланиб турганмиш.

Уй соҳиби пиёладек келадиган биттасини қўлига олиб, майин бахмалсимон қобиғини сидирган экан, унинг остида надирган экан, унинг остида нафис, оч сариқ тусли, хушбўй мағиз "ярқ" этиб кўзга ташланибди. Шунда анжуман қатнашчиларининг оғизлари баттар сув очибди-ю, бараварига мезбонга қараб мурожаат қилишибди:

— Шаҳар бердик, мавлоно! Биргина ўтинчимиз шулки, иложи бўлса, бизни бу неъматларнинг номию макони билан тезроқ таништирсангиз...

— Биринчиси "Қиз яноғи" деб аталувчи олма эди, буниси — "Сири бахмал" навли шафтоли, — изоҳ берибди у. — Буларнинг дарахтлари жудаям ноёб бўлиб, фақат қуёш суйган ўлкалардагина ўсади. Меваси эса хуштаъм ва тўйимли, мазаси оғизда қолади. Билъакс, ҳар бири қирқ дардга шифодир. Шу боис уларни "Дунёнинг саккизинчи мўъжизаси" деб атайдилар. Қани энди, жаноблар, марҳамат қилиб дастурхонга қаранглар...

Шундай дея мезбон, худди ҳеч нарсани кўрмагандек, ҳалитдан бери бепарво ўтирган буғдой ранг юзли, истараси иссиқ, қалампир нусха дўппили кишининг қаршисига келибди.

— Муҳтарам зот, менинг мўъжизаларим Сизни қизиқтирмаяптими?

— Авф этасиз, — одоб ила лутф қилибди меҳмон, — Фарғона деган юртни эшитгансизми? Камина ўша ўлкаданман. Бизда мева-чева дегани беҳисоб. Хусусан, сиз таърифини келтирган олма ва шафтолидан ташқари, ўрик, нок, ёнғоқ, узум, жийда, анжир, беҳи, анор каби яшиллик олами ҳадя этган тотли неъматларимиз борки, улар ҳар қадамда хил-хил пишиб, ерга тапиллаб тушиб ётади.

Шунда мезбон:

— Сизнинг юртингизни ҳақиқий қуёш суйган ўлка, аниқроғи, жаннати жой деса бўлади! — дебди.

Бу ривоятни раҳматли отамдан (жойи жаннатда бўлсин, илоҳим) эшитганман, уни бамисоли қўшиқдай сўзлаб берган эди. Ва бу қўшиқ ҳамон

(Давоми 2-бетда)

## Интернет фестивали

*15 март куни Алишер Навоий номидаги катта опера ва балет театри биносида "Интернет.UZ" биринчи миллий интернет-фестивали ўтказилади. Фестивални ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчиларнинг сони ошишига кўмаклашиш, уни тарғиб қилиш ва шу соҳадаги ёш иқтидорли мутахассисларни рағбатлантиришдан иборат.*

*Фестивални ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати, Маданият ишлари вазирлиги, Давлат фан ва техника қўмитаси, Почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Ўзтелерадиокомпания, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, "UzPAK" миллий интернет компанияси ва "eSezamCom" интернет-портали каби ташкилотлар иштирок этмоқда.*

*Миллий матбуот марказида журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда фестивал ташкилотчилари тадбирга тайёргарлик ҳақида сўзладилар. Бундан ташқари, ташкилотчилар журналистларнинг Ўзбекистонда интернетнинг ривожланишига оид саволларига ҳам жавоб қайтаришди.*

## Совринга — «Дамас»

*Икки йилдирки, вилоятда «Андижонни гуллар вилоятига айлантирайлик!» кўрик-танлови уюшқоқлик ва кўтаринкилик руҳида ўтказилмоқда.*

*Унда барча шаҳар ва туманлар меҳнат аҳли фаол иштирок этаётир.*

*Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўрик-танлов асосан уч босқичда ўтказилмоқда. Натижада корхона ва ташкилотлар, муассасалар атрофи, маданият ва истироҳат боғлари, маҳаллалар, гузарлар, кўчалар, хонадонлар ободонлашди. Кўкаламзорлаштириш ва атроф-муҳит тозалигини таъминлаш ишлари янада яхшиланди.*

*«Соғлом авлод йили»да Асака тумани ғолибликни қўлга киритди ва икки миллион сўм пул билан мукофотланди.*

*Кўрик-танлов бу йил ҳам давом этади. Бу гал ғолибларни «Дамас» кутмоқда.*

XXI аср Ўзбекистон

## Исроилда малака оширишди

*Яқинда Исроилда мамлакат ташқи ишлар вазирлигининг «Машав» халқаро ҳамкорлик маркази ҳамда «Синадко» қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро маркази томонидан ташкил этилган «Мевасабзавотчилик: уларни етиштириш, бошқарув ва маркетинг» мавзуидаги курс ниҳоясига етди.*

*Ўқув курси давомида жаҳоннинг 13 мамлакатидан, жумладан, Ўзбекистондан келган соҳа ходимлари қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасидаги дастурларни ўрганишди.*

## «Тонготар»да завод

*Яқин йилларгача Жиззах вилоятининг энг олис тоғли ҳудудларида саноат корхоналари қуриш ҳақида гапириб ҳам бўлмасди. Эндиликда ислоҳотлар шарофати билан хўжаликларда ҳам заводлар барпо этилаяпти.*

*Шундай корхона яқинда Бахмал туманининг «Тонготар» ижара ширкатлар бирлашмасида қуриб битказилди. «Ўзбекистон — Россия» қўшма корхонасига мансуб завод мавсумда 5 минг тоннадан зиёд мева-сабзавотни консервалаш, томат пастаси ишлаб чиқариш қувватига эга. Энг муҳими, хўжаликдаги неча ўнлаб йигит-қизлар иш билан таъминланди. Улар кунига 200-250 тонна маҳсулотни қайта ишлашга улгуришаяпти.*

## Қонунийликни таъминлаш — асосий вазифа

*Кеча Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ва прокуратура идораларининг қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш борасида ўтган йилдаги фаолияти якунларига бағишланган йиғилишни республика Бош прокурори Р. Қодиров олиб борди.*

*Ушбу масалалар юзасидан Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари А. Эргашев маъруза қилди.*

*Мажлисда прокуратура идоралари фаолиятидаги ижобий ишлар билан бирга, йўл қўйилаётган камчиликлар юзасидан танқидий фикрлар билдирилди ва прокуратура идоралари қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишларни бажарганлиги қайд этилди.*

*Прокурорлик назорати мамлакатда иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, деҳқон-фермерлар манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни жадаллаштириш, маънавиятни юксалтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар билан уйғун ҳолда олиб борилмоқда. Мазкур соҳаларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари 60 мингдан зиёд прокурорлик таъсир чоралари ёрдамида бартараф қилиниб, қонунбузарликка йўл қўйган 67 мингга яқин шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган. 4 мингтага яқин жиноят ишлари қўзғатилган. Прокурорлар томонидан фуқаролар ва ташкилотлар манфаатларини кўзлаб судларга жами 21 мингдан ортиқ (32,3 миллиард сўмлик) даъво аризалари киритилган.*

*Йиғилишда мамлакатимиз тараққиёти ёш авлоднинг баркамоллигида эканлиги алоҳида қайд этилди. Шу боис ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ҳимояси бундан кейин ҳам прокуратура идоралари фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб қолиши таъкидланди.*

# Ер юзида

воқеалар
рақамлар
тафсилотлар

## Фош бўлган айғоқчи

АҚШ федерал қидирув бюроси (ФҚБ) агенти Роберт Хансен Россия фойдасига айғоқчилик қилганликда айбланиб, ҳибсга олинди. Бу воқеани кўпчилик америкаликлар, хусусан, Оқ уй соҳиби Жорж Буш чуқур қайғу билан қабул қилди. Дастлабки хабарларга




қараганда, Р. Хансен ФҚБда 27 йил ишлаган бўлса, шунинг 15 йили давомида Россия махсус хизмати билан ҳамкорлик қилиб келган. Шуни ҳам айтиш керакки, Р. Хансен АҚШ Давлат департаментида энг муҳим мавқега эга шахс ҳисобланган. Ҳозирда АҚШ федерал қидирув бюроси уни Россия жосуси сифатида ошкор қилувчи далилий ҳужжатларни қўлга киритган. Оқ уй мулозимларининг таъкидлашича, Р. Хансен махфий маълумотларни жуда катта миқдордаги пул ва бриллиантга сотган.

## Кучма далиллаб гапирди

Украина президенти Леонид Кучма мамлакат Бош вазирининг собиқ ўринбосари Юлия Тимошенко мухолифат етакчисига айланиши учун асос йўқлигини айтди. Ю. Тимошенко яқинда молиявий қинғирликларда айбланиб, ҳибсга олинган эди. У айни



пайтда коррупцияга йўл қўйганлик айби билан АҚШда ҳибсда сақланаётган собиқ Бош вазир Павел Лазаренконинг ишончли одамларидан биридир. Л. Кучманинг айтишича, Ю. Тимошенконинг айбини тасдиқловчи далиллар мавжуд ва унинг гўёки мухолифат вакили бўлгани учун ҳибсга олингани ҳақидаги гаплар уйдирма, холос. Ҳозирда кўпчилик Украина президентининг ҳақ эканлигини эътироф этмоқда.

## Буш Путинга таклиф билдирди

Куни кеча Америка конгрессменлар делегацияси аъзолари Россия президенти Владимир Путинга Оқ уй раҳбари Жорж Бушнинг ракета ҳужумига қарши мудофаа миллий тизимини яратишда икки мамлакат ҳамкорликда ишлаши мумкинлиги ҳақидаги таклифини етказишди. Хабарингиз бор, ҳозирда АҚШ янги ҳукумати ракетадан мудофаа тизимини яратиш ғоясини илгари сурмоқда. Лекин бунга Россиянинг эътирози кучли. Расмий Москвани Пекин мулозимлари ҳам қўллаб-қувватламоқда. Чунки бундай аҳволда Хитойнинг нисбатан кучсиз бўлган қитъалараро рекеталари ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Кўриб турганингиздек, айни масала анча



баҳс талаб муаммо. Шунинг учун халқаро ҳамжамият бу масалани обдон ўрганиб, хулоса қилиши керак бўлади, деб хабар беради «Интерфакс» агентлиги.

## Мудофаа вазири ким бўлади?



Бу савол Исроил Бош вазири Ариэль Шаронни қийин аҳволга солиб қўйди. Дастлаб у мамлакат мудофаа вазири лавозимига Эхуд Баракни таклиф этди. Собиқ Бош вазир эса ушбу таклифни гоҳ рад этишини, гоҳ рози бўлишини айтиб келди. Бироқ куни кеча Эхуд Барак мудофаа вазири лавозимидан қатъий равишда воз кечишини маълум қилди. Шунингдек, у нимагадир «Меҳнат» партияси раислигини ҳам тарк этишини билдирди. Бу қарор А. Шароннинг янги коалицион ҳукумат тузиш вазифасини янада оғирлаштирди. Чорасиз қолган Бош вазир кеча 77 ёшли сиёсатдон, «Меҳнат» партияси вакили Шимон Пересга айни таклифни билдирди. Энг қизиғи, Ш. Перес ҳам ҳали бунга жўяли жавоб қайтарганича йўқ. Исроил қонунчилиги бўйича Бош вазир шу йилнинг 29 мартигача янги ҳукуматни тўлиқ шакллантириши шарт.

## Тафтиш тугади

Россия президенти буйруғи билан мамлакат Бош прокурори Владимир Устинов устидан ўтказилган тафтиш ишлари якунланди. Маълумки, бундан бир муддат илгари Россия Бош прокурорига Кремлнинг масъул мулозими П. Бородин томонидан ҳашаматли хизмат уйи ноқонуний йўл билан берилганлиги шов-шув қилинган



эди. Аммо текшириш натижалари бунинг акси бўлиб чиқди. Маълум бўлишича, Москва шаҳрининг қоқ марказида жойлашган 145 квадрат метрли ушбу уйни В. Устинов 1998 йил феврал ойида президент ишлари бошқармаси томонидан олган. У ўша вақтда мамлакат Бош прокурорининг Шимолий Кавказ бўйича ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган. П. Бородин билан мутлақо таниш бўлмаган. Нима бўлганда ҳам, энди Бош прокурор ўзининг 40 минг нафар ходимлари юзига тик қараб, олдингидай фаолият кўрсатадиган бўлди.

Гарчи ушбу иш қонуний деб топилган бўлса-да, Россиянинг НТВ телеканали ходимлари В. Устиновнинг хизмат уйи 430 минг АҚШ доллари миқдорида баҳоланганлигига шама қилишмоқда.

## Индонезияда яна шов-шув

Сўнгги вақтларда Индонезияда бўлаётган воқеалар кўпчиликнинг ҳайратига сабаб бўлмоқда. Дастлаб мамлакат собиқ президенти Сухарто давлат хазинасидан жуда катта миқдордаги маблағни ўзлаштирганликда айбланди. Озгина фурсат ўтгач, амалдаги президент Абдураҳмон Воҳидга ҳам худди шундай айб қўйилди. Ушбу воқеага нуқта қўйилгач, мамлакатда яна бир шов-шувли воқеа юз берди. Собиқ президент Сухартонинг қизи Сити Ҳардиянти Рукмана коррупцияда гумон қилиниб, прокуратурага чақирилди. Дастлабки терговдан маълум бўлишича, йирик молия-саноат гуруҳи раҳбари саналган бу аёл Ява оролида нефт қувури ўтказиш билан боғлиқ 300 миллион доллардан ошиқ миқдордаги лойиҳани амалга ошириш пайтида йўл қўйилган молиявий қинғирликка дахлдор бўлиши мумкин. Прокуратура С. Х. Рукманага мамлакатдан чиқишни тақиқлаб қўйди.

## Учрашув ортга сурилди

Япония Бош вазири билан АҚШ президенти Ж. Бушнинг 3 мартда Вашингтонда ўтказилиши мўлжалланган учрашуви АҚШ томони илтимосига кўра кейинга қолдирилди. Кузатувчиларнинг фикрича, учрашувнинг ортга сурилишига японлар орасида обрўсини йўқотиб бораётган Бош вазирнинг истеъфога чиқиши эҳтимоли борлиги сабаб бўлган бўлиши мумкин. Айни пайтда И. Морининг истеъфосини мухолифат ва ҳукмрон коалициянинг бир қисми талаб қилмоқда. Шунингдек, улар Бош вазирни соатлаб гольф ўйнашдан тийилишга ҳам чақирмоқдалар.

«Интернет» хабарлари асосида **Ф. САНАЕВ** тайёрлади.

# Бошдан-оёқ Ҳурликни кийин



**Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## Асра онажонимни...

*Унут, минг ғам, дард чекдим,*
*Унутдим тик шонимни.*
*Фақат Оллоҳ, тиз чўкдим,*
*Асра, онажонимни!*

*Бошқа сўрамайман ҳеч,*
*Касод қилма бозорим.*
*Бир бор гуноҳимдан кеч,*
*Асра, онаизорим!*

*Бир қадам қўймоққа ҳам,*
*Етмай қолса мадори.*
*Оёғин ерга бостир,*
*Асра, парвардигорим!*

*Дуо, манимни асра,*
*Титроқ танимни асра.*
*Барчани кўтаргунча,*
*Эгилганимни асра!*

*Даргоҳингга боргани,*
*Оқ бўлсин юзим, ойим.*
*Бошимда кўтаргани*
*Асра уни, Худойим!*

## Йўлдан тоза болалар келар

*Бўлди, етар!*
*Ҳаволаниб, мук тушиб юрган*
*Ғийбат, кинни шунда тўхтатинг.*
*Ёлғон билан ўпишиб юрган*
*Ёлғон-чинни шунда тўхтатинг.*

*Шундан нари ўтмасин сароб,*
*Йиқитинг, бўй, бўёқларини.*
*Бошларида қуёш берсин тоб,*
*Тошлар ўпсин оёқларини.*

*Пайғамбарнинг пирларидай тик*
*Дарахтлар йўл четида турсин.*
*Биби Фотмам беўй, беҳадик,*
*Қушларини мунга кетурсин!*

*Шундан нари ўтмасин фириб,*
*Булғамасин ҳавони гард, чанг.*
*Тўсинг, қадам-бақадам юриб,*
*Ҳар қадамни кирдан тозаланг!*

*... Йўлдан тоза болалар келар!*

## Шу йўлгина чин

*Бари ёлғон,*
*Шу йўлгина чин.*
*Бу йўлда юрмайсан, учасан.*
*Фақат унда кетмоқлик учун*
*Ўзинг бор-йўғингдан кечасан.*

*Отланаркан тонг ёки кечда,*
*Ичга тўлдир озодлик куйин.*
*Бор лаш-лушинг бирма-бир еч-да,*
*Бошдан-оёқ Ҳурликни кийин.*

*Бахтга тўйин,*
*Керак тамоми*
*Ҳижронлардан ўзни қутқармоқ.*
*Худойимнинг тоза йўлида*
*Қандай байрам кишансиз бормоқ!*

*Қайиролмас ҳеч ким шохингни,*
*Қирқилади ғилофу-қинлар.*
*Бошингдаги бахт кулоҳингни,*
*Бошинг олмай ололмасинлар!*

# ФИРИБГАРЛАР қилиб қутилиши мумкин?

### НУСХАЛАР

«Камалак-ТВ» тармоғида шуғулланадиган «қароқчилар»нинг бир неча нусхалари учрайди. Биринчи нусхаси — кабелчи ниқоби остида иш кўрувчи. «Камалак-ТВ»нинг сигналлари ана шуларнинг хуфиёна ҳаракатлари туфайли кабел телевидениеси тармоғига ўтиб қолмоқда. Афтидан, бу тоифадаги «қароқчилар» жуда оз, ҳатто бармоқ билан санарли. Бу аслида Тошкентда Кабел телевидениеси уюшмаси ташкил этилганининг шарофатидир. Сабаби — бу уюшма жамоаси эндиликда ўзбошимчаликка барҳам бериш учун, «Камалак-ТВ» қўшма корхонаси билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Иккинчи нусхаси — энг кўп тарқалган қароқчилик. Бошқача қилиб айтганда, улар «Камалак-ТВ» кодини «ўқиб», уни техник жиҳатдан қандай наллар ўғирланади.

Учинчи нусхаси — энг хавфлиси. Тўғрироғи, ғирт жиноятчилар. Негаки, «Камалак-ТВ» ускунаси ўғирланиб, сотилганидан сўнг бошқа мижозларга яширинча ўрнатиб берилади. Худо кўрсатмасин, ана шундай ўғирланган техника билан қўлга тушган мижознинг ҳолига вой: у ўғрининг шериги сифатида жавобгарликка тортилади.

### ҲИМОЯЛАНИШ ЧОРАЛАРИ

Телекоммуникация хизматлари ва ускуналари бозорида эркин мўлжал олишингиз, уларни тўғри танлай билишингиз, товарнинг сифатсиз эканлигини аниқлашингиз, зарурат туғилганда, «Камалак-ТВ»га ўз эътирозингизни билдиришингиз, турли тоифадаги фирибгарлар билан алоқа қилишдан сақлашингиз учун, албатта, сиз кўп ахборотга эга бўлишингиз, қонунларни билишингиз, битимлар тузишда доимо ҳушёр туришингиз керак.

«Камалак-ТВ» билан хизмат кўрсатиш юзасидан тузиладиган шартнома мижозлар учун асосий, яъни ишончли кафолат ҳисобланади. У ҳар бир мижоз билан алоҳида тузилиб, имзо ҳамда кўк рангли муҳр билан тасдиқланади. Нима учун муҳр қора эмас, айнан кўк рангда? Сабаби — фирибгарлар «Камалак-ТВ» ходими сифатида одамлар олдига шартномаларнинг ксеронусхаси билан келиб, уни тўлдирган ва пулни олгач, дом-дараксиз кетган ҳоллар ҳам учради. Дарвоқе, «Камалак-ТВ» ходимлари ўз гувоҳномаларини беистисно тариқасида ҳар сафар кўрсатадилар, «қароқчилар» эса бундай қилишмайди, қилолмайдилар ҳам. Чунки — уларда бундай ҳужжатнинг ўзи йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

«Камалак-ТВ» билан мижозлар ўртасидаги муносабат расмий ва қонунийдир. Абонентнинг кўнгли тўқ бўлиши учун, шуни айтиш керакки, унинг истеъмолчи сифатидаги манфаатлари ҳамиша ҳимоя қилинади. Агар сифатсиз хизмат кўрсатилган бўлса, қонуний тамойиллардан фойдаланган ҳолда, у компанияга ҳар доим мурожаат этиши ва муддаосига эришиши мумкин.

Табиийки, «қароқчи» бундай кафолатларни беролмайди. Унинг бор имконияти — қуруқ ваъда. Ваъданинг эса қушдан фарқи йўқ: пир этади-ю, учади-кетади. Тўғри, сизга телефон рақамини (қалбаки, албатта) бериши, ҳатто ўн йиллик кафолат муддатини ваъда қилиши мумкин. Бироқ буларнинг ҳаммаси маълум вақтгача, холос. Аслида эса, «қароқчи»нинг «уста» қўли билан ясалган ускуна давлат стандарти талабларига жавоб беролмайди ва ГОСТдан ўтолмайди. Буни «қароқчи»нинг ўзи ҳам яхши билади: иш чаппасига кетаётганини, ёмон нарсанинг ҳиди келаётганини сезиб қолса, ҳаммасидан воз кечиб, тезда жуфтакни ростлайди. Унга фақат сизнинг пулингиз керак, холос. Ўзининг ҳамёни қаппайса бас, мижознинг кейинги муаммолари уни мутлақо қизиқтирмайди.

«Камалак-ТВ» эса, юқорида айтилганидек, истеъмолчининг манфаатларини ҳамиша биринчи ўринга қўяди. Зеро, ушбу компания абонентларга айнан юксак сервис ҳамда узоқ муддатли хизмат кўрсатиш мақсадида ташкил этилган. Ҳозирги кунда у ўзини ва мижозларини «қароқчилар»нинг хуружидан техник воситалар билан ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрмоқда.

Ҳурматли мижозлар, агар сиз фирибгар ва муттаҳамлар қўлига тушиб, панд еб қолишни истамасангиз, «Камалак-ТВ»га мурожаат этинг. Унинг офиси эшиги доимо очиқ. Бу ерда сиз билан қонуний шартнома тузилгач, сунъий йўлдош орқали телевидениега марҳамат қилаверасиз.

**Григорий КЛЯЦКИЙ.**

ли бўлиб, унга техник хизмат кўрсатиш вазифаси ҳам айнан шу компания зиммасидадир.

Ўзгалар мулкига рухсатсиз эгалик қилиб, тижорат мақсадида фойдаланадиганларни маърифат оламида азалдан «қароқчилар» деб аташади. «Камалак-ТВ» компанияси хизматларидан ноқонуний фойдаланишга кўмаклашаётганлар ҳам, шубҳасиз, ўшалар тоифасига киради.

амалга ошириш йўлини ўйлаб топишган. Машғулоти эса, «Камалак-ТВ» сигналларини қабул қилиш имконини берадиган қурилмаларни бозорда (асосан Тезековда) пуллашдан иборат. Одатда телевизор ва видеомагнитофонларга ўрнатиладиган бундай қурилмалар у қадар қиммат бўлмайди. Чунки уларни «уста»ларнинг ўзлари ясайдилар ёки хориждан келтирадилар. Лекин қандай бўлганда ҳам сиг-


## ЭЪЛОН!

2001 йил 23 март соат 10.00 да

| | | | |
|---|---|---|---|
| № 770 | “Ғиждувон-Самарқанд”, | № 878 | “Тошкент-Баландчақир”, |
| № 781 | “Бухоро-Нукус”, | № 930 | “Тошкент-Ғаллаорол”, |
| № 795 | “Термиз-Ғузор”, | № 938 | “Самарқанд-Навоий”, |
| № 799 | “Самарқанд-Пахтакор”, | № 1033 | “Тошкент-Нукус”, |
| № 809 | “Навоий-Зиёвуддин”, | № 1033а | “Тошкент-Хўжайли” |
| № 868 | “Оқтош-Навоий”, | | |

шаҳарлараро-вилоятлараро автобус йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун

# ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

Очиқ тендерда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва шаҳарлараро-вилоятлараро автомобил транспортида йўловчи ташишни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

**Тендер ташкилотчиси** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича **Идоралараро комиссия.**

**Комиссия манзили: Тошкент ш., «Анҳор бўйи» кўчаси, 4-уй.**

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар **Идоралараро комиссия**га тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун 2001 йил 18 март 18.00 дан кечикмай талабнома беришлари лозим.

**Идоралараро комиссия** тендер таклифларини ***2001 йил 22 март соат 18.00 гача*** қабул қилади.



**ТЕНДЕР ўтказиш манзили: Тошкент ш., «Анҳор бўйи» кўчаси, 4-уй,**
***Ўзбекистон Автомобил ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.***

**Маълумот учун телефон: 41-14-19.**

3795


Педиатрия илмий-текшириш институти жамоаси институт дорихонаси мудири Зикрилло Мирзаевга акаси — Соғлиқни сақлаш аълочиси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган врач, меҳнат фахрийси

**Ҳабибулло ҲАКИМЖОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамияти марказий кенгаши жамоаси раис ўринбосари Шуҳрат Исроиловга онаси

**Ақидахон ая АБДУЛЛАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзгеонефтегазқазибчиқариш» ҲК раҳбарияти ва жамоаси «Нефтгазқудуқларинисинаш» ҳиссадорлик компанияси бошқаруви раиси А. Б. Абдуназаровга отаси

**Бегандик АБДУНАЗАРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбек ипаги» уюшмаси, «Пилла-холдинг» холдинг компанияси жамоаси республика пиллачилигининг илмий асосчиларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном

**Муқаддас ҒАНИЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.



## Ўзбек ҳунармандчилигининг келажаги тайёрланадиган даргоҳ

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида 620 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Мамлакатимизда ягона бўлган ушбу таълим масканида халқ ҳунармандчилигининг саккиз тури, жумладан, заргарлик, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, тикувчилик ва бошқа касблар ўргатилади. Бу ерда ўқиш, ҳунар эгаллаш билан бир қаторда компьютер сирларини қунт билан эгаллаш имконияти мавжуд. Барча қулайликларга эга бўлган спорт мажмуи ҳам талабалар ихтиёрида.



***СУРАТЛАРДА:* «Наққошлик» гуруҳи устаси Миролим Самиғов талаба Абдураҳмон Файзиев ишини кўздан кечирмоқда; компьютер машғулоти.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

# Ҳисобварақ ва ҳисоб-китоб иккаласи бир шаклда

**Долзарб мавзуда суҳбат**

***Бугун биз иқтисодиётни эркинлаштириш, барча соҳаларда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш шароитида яшаб, ишлаяпмиз. Ислоҳотлар дастурининг амалга оширилиши бозор иқтисодиётига ўтиш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига шахдам қадамлар билан кириб бориши учун мустаҳкам пойдевор яратиш имконини беради.***

***Шу боис банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳукуматимиз томонидан бир қатор қарорлар қабул қилингани шундан далолат беради. Мазкур қарорларда эса, жумладан, тижорат банклари обрў-эътибори ва ишончлилигини ошириш, банк хизматлари соҳасида янги маҳсулотлар ва технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари кўзда тутилган. Тижорат банкларидаги технологиялар негизида пластик карточкалар ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш миллий тизимини яратиш шулардан биридир.***

***Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида миллий валютада ҳам, хорижий валютада ҳам пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилишнинг ривожланган тизимидан фойдаланилмоқда. Шу мақсадда банк томонидан Yisa Classic Yisa Electron халқаро карточкалари, миллий валютада маҳаллий ҳисоб-китоблар учун мўлжалланган сўм карточкалари чиқарилаяпти, чет эл банклари чиқарган YISA карточкалари бўйича хизмат кўрсатилмоқда.***

***Бундай турли хил карточкалар мижозларнинг талабларига жавоб бера олади. Масалан, YISA корпоратив карточкалари чет элларда хизмат сафари харажатларини тўлаш учун ниҳоятда қулайдир. Хусусий тадбиркорлар, яъни жисмоний шахслар учун очилган карточкалар эса уларни йўлда ўзлари билан кўп миқдорда валюта маблағларини олиб юриш заруратидан қутқаради, уларга исталган хорижий мамлакатда нақд пул олиш, шу давлатнинг маҳаллий валютасида ҳисоб-китоб қилиш имкониятини яратади. Муҳими, республикадан олиб кетилаётган хорижий валютани божхонада расмийлаштириш билан боғлиқ қийинчиликлар бўлмайди.***

***Сўм карточкалари, шунингдек, нақд пулсиз ҳисоб-китобни амалга оширишга хизмат қилибгина қолмай, айни пайтда пул жамғариш воситаси ҳам ҳисобланади. Негаки, «Сўм карточкаси» омонатидаги маблағларга ҳар бир кун учун йилига 36 фоиз ҳисобидан даромад қўшилади. Карточкадаги маблағларга қўшилган фоизларнинг ҳар ойда капитализация қилинишини ҳисобга олганда, даромад йилига 42,6 фоизни ташкил этади.***

***Шу нуқтаи назардан қараганда, сўм карточкаси республикамизнинг оддий фуқаролари учун энг маъқул банк маҳсулотидир. Биз батафсил маълумот олиш мақсадида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Пул муомаласи бош бошқармаси бошлиғи Людмила Григорьевна ХАРЧЕНКО билан айни шу масала хусусида суҳбатлашдик.***

**— Аввало, сўм карточкаси қандай ишлаши, уни қаердан олиш мумкинлиги ҳақида гапириб берсангиз.**

— Сўм пластик карточкаси — бу банк хизматларининг энг замонавий ва қулай воситаларидан бири. Мижоз унинг ёрдамида бевосита банкка келмасдан, банк ходимига мурожаат қилмасдан туриб, банкдаги ўз ҳисобварағини бошқариши, товарлар ва хизматлар ҳақини терминаллар орқали нақдсиз тўлаши, банкоматлар орқали эса зарур миқдорда нақд пул олиши мумкин.

Сўм карточкалари тўлов воситаси сифатида супермаркетлар, дўконлар, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари, уяли алоқа компаниялари, авиа ва темир йўл кассаларида қабул қилинади. Махсус ускунаси бор ҳар қандай савдо корхонасида карточка орқали ҳисоб-китоб қилиш ҳам мумкин.

Карточка тизимининг қулайлиги шундаки, Сизнинг дўконлар ва сервис корхоналарига бирталай пул билан боришингизга ҳожат қолмайди. Шу тариқа Сиз ўз вақтингизни тежаб қоласиз. Бунинг устига, ҳисобда янглишишлардан кафолатланасиз.

Мижоз Миллий банкнинг исталган бўлимида тегишли омонат очиб, сўм карточкасини ола билади. Омонатнинг максимал ҳажми чекланмаган. У омонатдаги ўз маблағлари ҳисобидан харажатлар учун карточкадан нақд пул сифатида бемалол фойдаланиши мумкин.

**— Маълумки, иккинчи мингйиллик ниҳояси ва XXI аср аввалида бутун дунёда ахборот технологиялари шитоб билан ривожланди. Сўм карточкаси чиқарилаётганда қандай технологиядан фойдаланилади? У қай даражада ҳимояланган?**

— Сўм карточкасини чиқаришда одатда смарт-технологиялардан қўлланилади. Шу туфайли сўм карточкалари юксак даражали ишончлилиги ва ҳимоялангани билан ажралиб туради. Айни чоғда улар жуда пишиқ ва чидамли бўлиб, 7 йил муддатга мўлжалланган.

Қолаверса, карточка унинг эгаси ва банкка қарши ҳар қандай рухсатсиз хатти-ҳаракатлардан муҳофазалангандир. Чунки карточкага микропроцессор ўрнатилган бўлиб, карточка чиқарилаётганда банк унга барча зарур маълумотларни киритади. Пластик карточка фақат унинг эгасига маълум бўлган ПИН коди ёрдамида ишлатилади.

Шу билан бирга, карточкадан унинг эгаси ишонадиган шахслар ҳам фойдаланиши мумкин. Бу эса карточка эгасининг бизнес бўйича шериклари учун ҳам, оила аъзолари учун ҳам қулайдир.

Карточка бизнесида қўлланилаётган илғор технологиялар биргина карточкада фақат тўлов воситаси функциясини бажарибгина қолмасдан, балки шахсни электрон усулида тасдиқлаш, суғурта васиқаси, клубга аъзолик каби бошқа қўшимча юмушларни ҳам уддалаш ва бирлаштириш имконини беради.

**— Бугунги кунда сўм карточкалари бўйича хизмат кўрсатиш тармоғи қай даражада ривожланган? Амалий нуқтаи назардан қаралганда, у чиройли, лекин бефойда жиҳоз эмасми?**

— Республикамиз доирасида пластик карточкалар бўйича хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш Миллий банкнинг карточка бизнеси соҳасида устувор йўналишларидан бири саналади. Ҳозирги вақтда бутун мамлакатимизда, шу жумладан, турли соҳалардаги савдо-сервис корхоналарида қарийб 600 та электрон савдо терминали ўрнатилган. Масалан, «Шарқ-Мир» ва «Тижорат» супермаркетлари, Нукус шаҳри аэропорти сингари жамоат жойларида мавжуд 44 та банкомат ёрдамида автоматик тарзда нақд пул олиш мумкин. Банкимиз яқин келажакда хизмат кўрсатиш тармоғини анча кенгайтириб, терминаллар сонини 850 тага, банкоматларни эса 100 тага етказишни режалаштирган. Айниқса, метро станцияларида, аэропортлар, йирик меҳмонхоналар, шунингдек, бозорларда банкоматлар ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**— Сўм карточкалари бўйича нақд пул бериш масаласи, сизнинг-ча, қандай аҳволда? Бу борада муаммолар борми?**

— Ҳисобварақ қаерда очилганидан қатъи назар, сўм карточкалари бўйича нақд пулни Миллий банкнинг барча муассасаларидан олиш мумкин. Бундан ташқари, бўлимларда ўрнатилган банкоматлар ҳар куни, жумладан, шанба кунлари ҳам соат 8.00 дан соат 20.00 гача ишлаяпти. Иш ҳақи лойиҳалари доирасида эса банкоматлар кечаю кундуз фаолият кўрсатаётир. Демак, муаммолар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

**— Айтгандай, иш ҳақи лойиҳасининг ўзи нима? Бундай лойиҳалар қаерларда жорий этилган?**

— Банк йирик ташкилотлар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ходимларига иш ҳақини сўм карточкалари орқали бериш лойиҳаларини жорий қилмоқда. Бунда ўша корхона ва ташкилотлар ҳудудига банкоматлар ҳам ўрнатилади. Натижада улар ўз ходимларига барча даромадларини ўтказиш учун карточкалар очиб, катта миқдордаги нақд пулни олиш, сақлаш ва бериш билан боғлиқ ўз чиқимларини камайтирадилар. Ходимлар эса иш ҳақи тўлаш муддатидан қатъи назар, ўзларига зарур суммани исталган вақтда карточкадан олиш ҳамда ўз иш жойларида банк хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўладилар.

Ҳозирги кунда республикамиз бўйича 27 та иш ҳақи лойиҳаси амалиётда қўлланилмоқда. Шулардан 19 таси доирасида банкоматлар ўрнатилган. Навоий кон-металлургия комбинати, унинг Марказий ва Шимолий кон бошқармалари, Фарғона ёғмой комбинати, «Кока-Кола ичимлиги Тошкент ЛТД» ва «Ўзсаламан» қўшма корхоналари, шунингдек, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва бошқалар шулар сирасига киради. Йил охиригача яна 50 та корхонада шундай лойиҳаларни жорий этиш мўлжалланмоқда.

**— Ходимнинг ҳар қандай даромадини карточкага ўтказиш мумкинми?**

— Амалдаги қоидаларга кўра, аҳолининг омонатга киритиш учун рухсат берилган барча даромадлари, масалан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсия, стипендия, қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар, лотерея ютуқлари, турли суғурта ҳамда ижтимоий тўловлар ва бошқалар пластик карточкаларга ўтказилиши мумкин.

**— Пластик карточкалар эгаларига банк томонидан қандай қўшимча хизматлар таклиф этилади?**

— Пластик карточкалар соҳибларига, яъни ўз мижозларига қўшимча равишда Миллий банк бир қанча хизматларни таклиф этади. Ҳаёт ва саломатликни бепул суғурта қилиш — шулардан биридир. UzAIG компаниясининг суғурта васиқалари жаҳоннинг барча мамлакатларида амал қилаяпти.

Миллий банк томонидан чиқариладиган дисконт карточкаларига келсак, улар турли ҳаётий вазиятларда мижозлар маблағларини анчагина тежашга ёрдамлашади. Масалан, IAPA карточкаси эгаларига жаҳоннинг энг яхши меҳмонхоналари ва автомобилларни ижарага берувчи компанияларда нархлар анча пасайтирилади. Rriority Pass карточкалари энг катта халқаро аэропортларнинг VIP залларига киришга имконият яратади. DSO дисконт карточкалари эса маҳаллий савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида 3 фоиздан 25 фоизгача камроқ ҳақ тўлаш ҳуқуқини беради.

**— Пластик карточкалар эгаларига банк хизматлари кўрсатиш борасида бирон-бир имтиёз ҳам борми?**

— DSO дисконт карточкаси эгалари нафақат савдо-сервис корхоналарида, ҳатто сўм карточкалари бўйича Миллий банк оладиган воситачилик ҳақи юзасидан ҳам сийловдан фойдаланадилар.

Иш ҳақи лойиҳалари жорий этилаётганда, корхона ва ташкилотлар билан тузиладиган шартномаларнинг шартларида уларнинг ходимлари учун бошқа имтиёз ва сийловлар ҳам кўзда тутилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда банкимизда маркетинг тажрибаси ўтказилаяпти. Сўм карточкалари чекланган муайян давр мобайнида эса мижозларнинг барча тоифалари учун бепул чиқарилмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбири И.ЎТБОСАРОВ суҳбатлашди.**


# ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ




***республика аҳолиси ва меҳмонларига ноёб имкониятни — энг замонавий тўлов воситаси бўлган***

## СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИНИ

***бепул олишни таклиф этади.***

***Ҳисобварағи қаерда очилганидан қатъи назар, сўм карточкаси ёрдамида бизнинг исталган муассасамизда банкоматдан ҳам, кассадан ҳам нақд пул олишингиз мумкин. «Шарқ-Мир», «Тижорат» супермаркетларида ва Нукус аэропортида ҳам банкоматлар ўрнатилган.***

***Супермаркетлар, дўконлар, ресторанлар, маиший хизмат корхоналари, уяли алоқа компаниялари, авиа ва темир йўл кассаларида сўм карточкалари товарлар ва хизмат ҳақини тўлаш учун қабул қилинади;***

***карточка эгаларига йилига 36% фойда тўланадиган омонат очилади, ҳар ойда капиталлаштириш эвазига эса пулларингиз йилига 42,6% кўпаяди;***

***сўм карточкаларининг эгаларига ҳаёт ва соғлиқни бепул суғурталаш имкони берилади.***

1991 NBU 2001 National Bank of Uzbekistan

**Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки пулларингизнинг сақланиши ва даромадлилигига кафилдир.**

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим ёки филиалига мурожаат қилиб, сўм пластик карточкасининг эгаси бўлишингиз мумкин. Маълумот учун телефонлар: (+99871) 137-62-80, 34-31-53.**

3785



ХАЛҚ СЎЗИ · НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2115. 32212 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Н. Тошев.
Навбатчи — М. Норматов.
Мусаҳҳиҳ — О. Абдуазимов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00
1 2 3 4 5 6